



## ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИДАГИ ТАРИХИЙ ВОҚЕА



Пойтахт-тимиздаги Халқаро конгресс марказида Президентимиз Шавкат Мирзиёев иштирокида энергетика соҳасида янги қувватларни ишга тушириш ва навбатдаги лойиҳалар қурилишига старт бериш маросими бўлиб ўтди.

**18** **3,7 миллиард долларлик янги қувватлар ишга туширилиб, навбатдаги 6** **Та** **Та** **Та**  
Маросимда қиймати **3,7 миллиард долларлик янги қувватлар ишга туширилиб, навбатдаги 6 та та** лойиҳа қурилишига старт берилди.

Хусусан, Бухоро, Наманган ва Тошкент вилоятларида бешта қуёш ва шамол электр станцияси ҳамда бешта юқори кучли ишлаш подстанция ишга туширилди. Шунингдек, мамлакатимизда илк бор Андижон ва Фарғонада йирик электр энергиясини сақлаш тизими барпо этилди. Қашқадарёда электр

станцияси, Тошкент шаҳрида замонавий когенерация қурилмаси, Андижон, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида тўртта кичик ГЭС фойдаланишга топширилди. Фарғона, Самарқанд, Наманган, Тошкент вилоятлари ва пойтахтимида 2,5 минг мегаваттлик олтига электр қувватлари қурилиши бошланди.

Ишга тушган қувватлар ва янги лойиҳалар орқали келгуси йилларда қўшимча 9,5 миллиард киловатт-соат электр ишлаб чиқарилиб, 2,5 миллиард куб метр табиий газ тежалади, 4,6 миллион тонна зарарли газлар чиқарилишининг олди олинади.

Энг муҳими - 4 миллиард долларлик хонадон узлуксиз тоза энергия билан таъминланади.

Бу, ўз навбатида, иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида ҳам 4 миллиард долларлик қўшилган қиймат яратишга туртки беради.

Умуман олганда, келгуси йили жами 84 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Бу - 2016 йилга нисбатан 25 миллиард киловатт-соат ёки 1,5 баробар кўп деганидир.

Ушбу лойиҳалар бундан 8 йил аввал энергетика соҳасида бошланган кенг қўламли ислохотларнинг узвий давомидир.

«Яшил энергетика» соҳасида бугунга келиб 3,5 минг мегаваттлик ёки 10 миллиард киловатт-соатга тенг 16 та йирик қуёш ва шамол электр қувватлари ишга туширилди.

Бунинг ҳисобига 2024 йилда «яшил энергия» улуши 16 фоиздан оширилди. Яъни, ўтган қисқа даврда экологик тоза энергия қувватларини йилига 2-3 қарра кўпайтиришга эришилди.

Ўтган йилда мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулоти илк бор 100 миллиард долларлик тарихий маррани забт этди.

Кейинги қадам сифатида 2030 йилга бориб иқтисодиётимиз ҳажмини 200 миллиард долларга етказиш режа қилинган.

t.me/Press\_Secretary\_Uz



## ДИЛОРОМ ЙЎЛДОШЕВАГА «Мардлик» ордени топширилди

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 13 декабрь куни ижтимоий ҳимоя соҳасидаги ишлар натижадорлиги ва 2025 йил учун устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Таҳлиллар кўрсатганидек, баъзи ногиронлиги бор инсонларда психологик босимлар сабабли ўзига бўлган ишонч етишмайди.

Лекин, ўзида куч топиб, оғир вазиятдан чиқиб, қаҳрамонлик кўрсатаётган одамлар ҳам кўплиги таъкидланди.

Президентимиз дунёнинг энг руҳлантирувчи «Топ-100» аёли рўйхатига кирган денонлик Дилором Йўлдошеванинг ишларини эътироф этди. Бу аёл ногиронлиги бор бўлса-да, тикув корхонасини очиб, 40 нафар камбағал хотин-қизни ишли қилди.

*- Мана шундай иродали, матонатли инсонларни ҳаммага ўрнак қилиб кўрсатсак, улар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди,*

- деди давлатимиз раҳбари.

Президент фармонига мувофиқ, йиғилишда Дилором Йўлдошевасага «Мардлик» ордени тантанали тарзда топширилди.

Келгуси йилда бундай инсонлар ҳақида камида 5 та мотивацион ҳужжатли ва бадиий фильмлар суратга олиш муҳимлиги таъкидланди.

Бу борадаги ишларни мувофиқлаштириш Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директорининг биринчи ўринбасари Ш.Мирзиёева зиммасига юклатилди.

ishonch.uz



## ҲАМЗА НЕГА УНУТИЛИШГА МАҲКУМ ҚИЛИНДИ?



«Ishonch»нинг YouTube даги саҳифасида ушбу видео

**201 000**

марта кўрилган.



Сизга ҳам тавсия этамиз!

### Иқлим

## КУЧЛИ ЁМҒИР ВА ҚОР КУТИЛМОҚДА

ЭҲТИЁТИНГИЗНИ ҚИЛИНГ!

«Ўзгидромет» хабарига кўра, 14 декабрда республика бўйича баъзи жойларда ёмғир ёғади, шимолда ёғингарчилик (ёмғир, қор) кузатилади. Тошкент, Сирдарё вилоятларида фақат кечкурун бироз ёмғир ёғиши мумкин. Сурхондарё вилоятида ва Фарғона водийси вилоятларида ёғингарчиликсиз об-ҳаво сақланиб туради. 15 декабрда Ўзбекистон ҳудудига шимоли-ғарбдан нам ва совуқ ҳаво массалари кириб кела бошлайди. Республика ҳудудига ёғингарчилик (ёмғир, қор) кузатилади, баъзи жойларда кучли бўлади. Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилоятида баъзи жойларда бироз қор ёғади. 15-16 декабрда йўлларда яхмалак кузатилади. Республиканинг айрим жойларига туман тушиши мумкин. 16-17 декабрь кунлари ҳаво ҳарорати кечалари -8...-13, баъзи жойларда -15, кундуз кунлари 0...-5 даражагача пасайиши кутилмоқда.

## Жавобини кутаётган саволлар

Боқимандалик

Эътибор одамларга эмас, тизимни ислох этишга йўналтирилиши керак

>> 3

>> 4

## Зарар тўловлари бўйича МУАММО ҲАЛ ЭТИЛДИ

Фуқаро А.Шукурова 2003 йили касб касаллигига чалинди. Унга касб касаллиги ва саломатлигининг бошқача шикастланиши юзасидан зарар тўловлари 2024 йилнинг май ойига қадар ўз вақтида тўлаб келинди. Бироқ...

Тизимдаги ўзгаришлар туфайли бу тўловлар тўхтатиб қўйилгач, А.Шукурова Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясига мурожаат йўлади. Бу мурожаат Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг масъул ходимлари томонидан ўрганилганда ойлик тўловлар чиндан ҳам ўз вақтида тўланмагани аниқланди.

Олиб борилган амалий ишлар натижасида А.Шукуровага 16 миллион сўм ундириб берилди. Мурожаатчи масала тезда ижобий ечим топгани учун миннатдорлик билдириб, касба уюшмалари ўз аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда фалокат кўрсатаётганини таъкидлади.

Даврон САМАРБЕКОВ,  
Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси  
Республика кенгашининг меҳнат  
муҳофазаси бўйича бош мутахассиси

БИРОР ҲОЛАТ ҲАМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ЭМАС

«Ангрен иссиқлик электр станцияси» АЖда юз берган бахтсиз ҳодиса туфайли ташкилотнинг темир йўл хўжалигида электр устаси бўлиб ишлаган Шуҳрат Ҳайитматов ўз вазифасини бажараётган пайтда бахтсиз ҳодисага йўлиқиб, ҳаётдан кўз юмди.

Касаба уюшмаси ҳолат юзасидан зудлик билан текширув олиб борди. Натижада Н-1 шаклидаги далолатнома тузилди. Шунингдек, марҳумнинг оиласидан хабар олинганда унинг 11 ёшли қизи борлиги маълум бўлди. Жамиятнинг тегишли буйруғи билан марҳумнинг оиласига 487 миллион сўмга яқин бир марталик ҳамда фарзанди 18 ёшга тўлгунга қадар ҳар ойда унга 3 миллион 381 минг сўм миқдорда нафақа тўлаб бориладиган бўлди.

«Махам-Чирчиқ» АЖда азот кислота ишлаб чиқариш цехи таъмирловчиси вазифасида ишлаган Фаррух Бўстонов ҳам иш вақтида жароҳат олиб, вафот этди. Унинг оиласи ўрганилганда, қармоғида икки нафар фарзанди, онаси ва турмуш ўртоғи борлиги аниқланди. Етказилган зарарни олиш ҳуқуқига эга бўлган яқинларига 968 миллион сўмга яқин бир йўла нафақа тўлаб берилиши ҳақида буйруқ чиқарилди. Бундан ташқари, ҳар ойда 8 миллион сўмдан зиёд нафақа тўлаб борилиши ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилди.

Тўғри, бериладиган зарар тўлови бевақт ҳаётдан кўз юмган инсонни ҳаётга қайтаролмайди. Шундай бўлса-да, унинг оила аъзоларига моддий ёрдам кўрсатиш, яқинлари ва фарзандлари учун белгиланган тўловларни ўз вақтида амалга ошириш лозимлиги қонунлар билан мустаҳкамлаб қўйилган. Касаба уюшмалари назорати эса, бу борадаги бирор ҳам ишни эътиборсиз қолдирмайди.

Собир ЭРБЎТАЕВ,  
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси  
Тошкент вилояти кенгашининг меҳнатни  
муҳофазаси қилиш бўйича етакчи мутахассиси

## Касб касаллигига чалингани тан олинди

Жамила Ражабова Ҳазорасп тумани тиббиёт бирлашмасида фаолият кўрсатиб келаётганига ўттиз йилдан ошди. Бу даврда қанчадан-қанча инсонларнинг соғлигини тиклашга ўз билими, маҳорати билан ҳисса қўшди. Узоқ йиллар оғир хасталикларга қарши курашгани оқибатида ўзи ҳам касалликка чалинди. Шу боис у ўзига Н-1 шаклидаги далолатнома тузиш ва бир марталик нафақа олишида ёрдам сўраб, касба уюшмаларига мурожаат қилди.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Хоразм вилояти кенгаши томонидан Жамиланинг аризаси тегишли тартибда ўрганилди. Ма-  
с а л а

хал қилин-  
гунча саккиз  
ой вақт ўтди. Даст-  
лаб Ж. Ражабова учун  
Н-1 шаклидаги далолат-  
нома тўлдирилди. Ҳамши-  
ранинг касб касаллигига ча-  
лингани иш берувчи томони-  
дан тан олинди. Унга тегишли  
тартибда ногиронлик нафақаси  
тайинланди.

Шундан сўнг касба уюшма томонидан суғурта компаниясига бир неча бор мурожаат қилишга тўғри келди. Қонун талаблари қайта-қайта тушунтирилди. Узоқ ёзишмалардан кейин суғурта компанияси касба уюшма талабини бажаришга мажбур бўлди. Ниҳоят, Жамила Ражабовага қарийб 79 миллион сўм бир марталик тўлов ва ойма-ой зарар пуллари тўланишига эришилди.

Ҳалиллулла ИСАКЖАНОВ,  
Соғлиқни сақлаш ходимлари  
касба уюшмаси Республика  
кенгашининг Хоразм  
вилояти бўйича  
меҳнат техник  
инспектори

Гап шундаки, мен Фарғона вилояти Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бошқармасининг Фарғона шаҳар бўлимида салкам 16 йил ишладим. Фаолиятим давомида ногиронлиги бўлган, ишсиз ва меҳнат бозоридан иш топишга қийналган, шунингдек, иш жойи қисқартиришга туриб меҳнат шартномаси бекор қилинган фуқароларнинг бандлиги билан шуғулланиб келганман.

## Миннатдорлик

Тақдир тақозоси билан жорий йилнинг июль ойида бўлим томонидан менинг ҳам меҳнат шартномам иш жойим қисқаргани асос сифатида кўрсатилиб, бекор қилинди. Имтиёз ва ҳуқуқларим – малакам ва меҳнат унвондорлигим, Жамоа шартномасидаги ҳуқуқларим, қармоғимда 2 нафар вояга етмаган фарзандим борлиги ва уларнинг ёлғиз боқувчиси эканим инobatга олинмади.

Меҳнатга оид ҳуқуқларимни ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгашига арз қилдим. Мурожаатим касба уюшма ҳуқуқшунослари томонидан батафсил ўрганилди. Шундан сўнг уюшма фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судига менинг манфаатларимни кўзлаб, даъво аризаси киритди.

Адолат қарор топди! Суд мени ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруқни ғайриқонуний деб топиб, бекор қилди. Қарорда мени аввалги лавозимимга ишга тиклаш ҳамда бекор юрган кунларим учун 20 миллион сўмга яқин иш ҳақи ундирилиши белгиланди.

Яна бир бор ишонч ҳосил қилдимки, касба уюшмалари ишчи-ҳодимларнинг ҳақиқий суянчиси экан. Адолат қарор топишда менга кўмаклашган касба уюшмаларига ўзимнинг миннатдорлигимни билдириман.

Соҳа фидойилари бор экан, барча ишчи-ҳодимларнинг меҳнатга оид ҳуқуқлари ҳамиша ҳимоядадир!

Минавархон МАМАТОВА  
Фарғона шаҳри

Саёҳатда бўлиб, дам олган кишининг кўринишида ҳам, руҳиятида ҳам ижобий ўзгаришлар дарҳол сезилади. Бугунги кунда саёҳатлар турли йўналишларда ташкил этилмоқда. Спорт туризми, маданий туризм, зиёрат туризми, соғлиқни сақлаш туризми, гастрономик туризм қаторида яна янги-янги йўналишлар очилмоқда.

## «Касаба-сайр» ХИЗМАТИНГИЗДА

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгашида бўлиб ўтган давра суҳбати ҳудудларнинг туризм салоҳиятидан унумли фойдаланиш ва бу борада олиб борилаётган ишлар ҳақида бўлди. Унда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси тасарруфидидаги «Касаба-сайр» МЧЖ директори Тўлқин Хидиров давра иштирокчиларига кизиқарли маълумотларни тақдим этди.

Юртимизга ташриф буюраётган 2 миллионга яқин сайёҳнинг 500 минг нафари айнан Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси томонидан жалб этилаётгани, дам олиш ва байрам кунлари меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари мароқли хордиқ чиқариши учун «Касаба-сайр» томонидан яратилаётган шароитлар, юртимизда янги очилган дам олиш масканлари, туризм соҳасидаги қулайликлар ҳақидаги маълумотлар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Саёҳатга борувчиларнинг ўзлари саёҳат харитасини тузиб, қорхонага буюртма бериш имкони борлиги ҳаммага манзур бўлди. Юртимиздаги диққатга сазовор жойлар, зиёратгоҳлар, тарихий қадимжолар экранида акс этганида, ҳар бир кишининг кўнглида ўша жойларга бориш истаги туғилиши аниқ. Бу орзуни амалга ошириш учун «Касаба-сайр» қорхонаси қулай, арзон ва сифатли хизмат кўрсатишга тайёр эканлиги таъкидланди.

Суҳбат кизиқарли савол-жавоблар билан мароқли ўтди.

Баҳор ХОЛБЕКОВА  
«ISHONCH»

## Сайёҳлик имкониятлари КЕНГАЙМОҚДА

Касаба уюшмалари томонидан ходимларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш, ички туризмни ривожлантириш борасида тизимли ишлар олиб борилаётгани. Йилнинг ўтган даврида «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил» лойиҳаси доирасида 22 минг нафардан зиёд хоразмлик касба уюшма аъзоларининг тарихий шаҳарларга саёҳатлари уюштирилиб, мароқли дам олишлари таъминланди.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгашида бўлиб ўтган семинарда сайёҳлик имкониятларини янада кенгайтириш масалалари таҳлил қилинди.

– Юрган дарё, ўтирган бўйра, дейдилар. Юрт кўрган инсонларнинг дунёқараши ўзгача бўлади, – деди Федерациянинг Хоразм вилояти кенгаши раиси Гулсара Қурбонбоева. – Юртимизнинг тарихий обидаларга бойлиги, табиати-нинг ранг-баранг ва бетакрорлиги дунё аҳлини ҳамиша ўзига жалб қилиб келади. Кейинги йилларда ички туризмни ривожлантириш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар туфайли маҳаллий аҳолида ҳам саёҳатларга қизиқ имкони ортди.

Семинарда «Касаба сайр» МЧЖ раҳбари Тўлқин Хидиров қорхона туристик хизматлар сифатини янада яхшилаш мақсадида иккита «Ютонг» автобуси ва 17 ўринли микроавтобус билан таъминланганлиги, йилнинг ўтган даврида 5000 нафарга яқин касба уюшма аъзолари учун



Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз ва Термиз каби шаҳарларга саёҳатлар ташкил этилгани, хорижий давлатларга ҳам саёҳатлар уюштирилаётгани ҳақида атрофчи гапириб берди. «Касаба сайр» орқали саёҳатга қизиқинг афзалликлари, барча шаҳарларда беш юлдузли меҳмонхоналар билан шартномалар имзолангани, сайёҳлар юртимиз тарихи, табиати, маданияти, гастрономияси билан тани-

бон инсонларнинг эътибори туфайли хасталик аригандай бўлди. Атрофинида сенинг тезроқ тўзалиб кетишингни истаётган инсонлар борлиги кишига ўзгача далда бўларкан.

Гуллола Ганиева 4 нафар фарзанднинг онаси бўлиб, ҳозир бола парвариши билан машғул бўлгани учун ишламайди. Унинг ишлаш истаги инobatга олиниб, аввал ўзи ишлаган болалар боғчасига тарбиячиликка қайтишига ёрдам берилди. Яқин кунларда кичкинтой фарзанди ҳам шу боғчага жойлаштирилган бўлди.

– Атрофдаги камбағал оилаларга бепарво бўлмаслигимиз керак, – дейди Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Андижон вилояти кенгаши раиси ўринбосари Нодирахон Абдурахмонова. – Астойдил ҳаракат қилсак, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига ҳар тарафлама ёрдам беришимиз мумкин ва бунга имкониятларимиз етарли.

Таъкидлаш жоизки, вилоят кенгаши юқоридаги каби эзгу ишларни Шаҳрихон туманида ҳам олиб бормоқда.

Анваржон ҲАЛИМОВ  
«ISHONCH»

## Оилалар тақдирига БЕФАРҚ ЭМАСМИЗ

Аслида астойдил меҳнат қилган одам камбағал бўлиши мумкин эмас. Лекин баъзида турмуш ташвишлари гирдобига тушиб қолган инсон ишлаш имкониятидан ҳам мосуво бўлиб қолиши мумкин. Ана шундай вақтда атрофдагиларнинг бирозгина кўмаги бир инсоннинг оёққа туриб кетишига туртки бўлиши мумкин.

Бўстон туманида яшовчи Нарғизахон Абдуллаеванинг 3 нафар вояга етмаган фарзанди бор. 13 ёшли фарзанди Жалилбек II гуруҳ ногирони, турмуш ўртоғи Шавкатжоннинг ҳам соғлиғи яхши эмас.

Шундай оғир пайтда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Андижон вилояти кенгаши раиси Қодиржон Парпиев бошчилигидаги ишчи гуруҳ оиланинг мушқулини осон қилди.

Авалло, уларга йил давомида фойдаланиш мумкин бўлган 2 сохтали иссиқхона қуриб берилди. Белни боғлаб, меҳнат қилинса, бу ердан йилига 3-4 мартагача ҳосил олиб, рўзғорни тебратиш мумкин. Шу кунларда иссиқхона ерлари шудгорланиб, экин экишга тайёрлаб қўйилди. Оила бошлигининг туман бандликка кўмаклашиш маркази орқали янги очилаётган «Олтин мато» МЧЖга ишга жойлаштиришга ҳужжатлари расмийлаштирилди.

Кароматхон Орипова оиласи билан ажрашган, 2 нафар фарзанди бор. У саратон хасталигидан азият чекади.

Ишчи гуруҳ ёлғиз она билан дилдан суҳбатлашди ва тезда даволини учун у касалхонага ётқизишига кўмаклашди. Меҳри-

бон инсонларнинг эътибори туфайли хасталик аригандай бўлди. Атрофинида сенинг тезроқ тўзалиб кетишингни истаётган инсонлар борлиги кишига ўзгача далда бўларкан.


Гуллола Ганиева 4 нафар фарзанднинг онаси бўлиб, ҳозир бола парвариши билан машғул бўлгани учун ишламайди. Унинг ишлаш истаги инobatга олиниб, аввал ўзи ишлаган болалар боғчасига тарбиячиликка қайтишига ёрдам берилди. Яқин кунларда кичкинтой фарзанди ҳам шу боғчага жойлаштирилган бўлди.

– Атрофдаги камбағал оилаларга бепарво бўлмаслигимиз керак, – дейди Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Андижон вилояти кенгаши раиси ўринбосари Нодирахон Абдурахмонова. – Астойдил ҳаракат қилсак, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига ҳар тарафлама ёрдам беришимиз мумкин ва бунга имкониятларимиз етарли.

Таъкидлаш жоизки, вилоят кенгаши юқоридаги каби эзгу ишларни Шаҳрихон туманида ҳам олиб бормоқда.



# ШАВОБИНИ кутаётган САВОЛЛАР



Республика Маънавият ва маърифат марказига!

## Янги тартибни ишга туширмақчи, аммо...

Маълумотларга қараганда, Республика Маънавият ва маърифат маркази Ўзбекистонда медиамаҳсулотларни маънавий экспертизадан ўтказиш тартибини жорий этмоқчи экан.

Тўғри, ҳозир медиаолам издан чиқиб кетди, аудиторияда бировнинг маърифат истаб ўтирганга ҳам шубҳа қилиб қоласан, киши.

Телеканалларда «оммавий маданият» тарғиб этилаётгани, маърифий нашрлар жамоатчилигининг эътиборидан четда қолиб бўлгани, мактаб ва олий таълимдаги дарсликлар, таълим сифатига бўлган эътирозлар тобора кўпайиб бораётгани, давлат тилига бўлган муносабатимиз маймунлар йиғлайдиган ҳолга келганига бефарқ ва лоқайд қараб келган Марказ қайси куч билан бу тартибни жорий этиши қизиқ?

Борди-ю, шундай бўлган тақдирда, мазкур тартибни ҳолислик, юсак салоҳият, маърифий билим ва малака билан амалга ошириш лозим. Токи, ушбу амалиёт бошқа бир жиҳатлари билан сўз эркинлиги, ахборотнинг ҳоли ва ҳаққонийлигига заррача ҳам монелик қилмасин. Аммо ҳозирча бунга ишонинг қийин.

Шу муносабат билан Республика Маънавият ва маърифат маркази жорий этилиши кутилаётган тартибнинг барча жиҳатларини кенг муҳокамадан ўтказиши зарур, деб ҳисоблаймиз!

Хўш, ушбу фикрга масъуллар нима дейди?

Элёр РАҲМОНОВ

Фаргона вилояти

Ички ишлар вазирлигига!

## Тиланчиларни ким назорат қилади?

Тошкент шаҳрининг нуфузли идоралари атрофларида, кўчаларда тиланчилар сони кўпайгани сезилмоқда.

Қолаверса, уларнинг ҳаракати, муомаласида ўзгаришлар бор. Одамларга безбетларча муносабат қилишаётгани бот-бот кузатилмоқда. ОАВда бу ҳақда чиқишлар қилинмоқда.

Аслида пойтахтимизда бу касбни ти-

рикчилик манбаига айлантириб олганларнинг ҳаёт тарзини бирор мутасадди ташкилот ўрганадими? Чунки халқ орасида бу борада турли гаплар юради. Тиланчиларнинг кўлларида уларга кўргазмаларни қўриқиб бўлаётган гўдаклар бировларнинг фарзанди эканлиги ва бунинг учун хатто ижара нархлари белгилаб олингани ҳақида эшитяпмиз.

Ички ишлар вазирлиги яқин йиллар ичида тиланчилик билан шугулланишга қарши кураш борасида чиққан фармон ва қарорлар ижроси ҳақида нималар дея олади?

Зухриддин МАЛИКОВ

Тошкент шаҳри

Тошкент шаҳар ҳокимлигига!

## Шундай ўйлаб хато қилмаяпмизми?

Мамлакатимизда узок йиллар матбуот маркази вазифини ўтаган Матбуотчилар кўчаси, 32-уйда жойлашган бино, мана, бир неча ойдири, шип-шидон қилиб, гўёки реконструкция учун тайёрлаб қўйилди. Лекин ойлари ўтмоқдаки, бу жойда иш бошланишига бирон-бир ҳаракат сезилмаяпти. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг бу борада режаси бордир, деб ўйлаяпмиз. Шаҳар мутасаддиларига савол: Биз шундай ўйлаб хато қилмаяпмизми, мабодо?

Ўлчи АБДУРАҲМОНОВ

Тошкент шаҳри

Республика Маънавият ва маърифат марказига!

## Марказ қачон ростакамга маърифат тарғиботига бел боғлайди?

Бугун ахборот асри, дунёдаги кўплаб мамлакатлар ижтимоий тармоқлар тўғрисида илҳом, маънавий инқироз сари юз тутмоқда. Агар омма онгига кўпроқ таъсир қилаётган контентлар таҳлил қилинса, саводи ҳаминқадар, ғоявий саваб ва мафкуравий мантқиқсиз ғояларга тўйинган турли ролик ва релсларнинг «даврий» келганини тан олмай иложимиз йўқ. Айни вақтда дунёдаги ривожланаётган ва илм-фан ютуқларига эришаётган жамиятларда давлат ҳам, жамият ҳам бундай бошбошқоқликка қарши тиш-тирноғи билан курашмоқда. Бунга Тик-ток, Инстаграм каби ижтимоий тармоқларни чеклашга бораётган баъзи қўшни мамлакатлар мисолида ҳам кўряпмиз.

Хўш, бизда-чи? Маънавият ва маърифат маркази биронта маърифат улашувчи нашрга ҳомийлик қилгани, жамият мафкурасини прогрессив ғоялар билан бойитишга хизмат қилувчи китоблар яратаётгани йўқ. Гарчи турли муаммолар ҳақида ёзаётган, бонг ураётган бўлса-да, адади жиҳатдан кучсизлигича қолаётган даврий нашрлар - газета ва журналларга обуна ташкил қилиш ҳақида, уларни оммалаштириш борасида қайғурмаяпти. Ҳатто мақолалари «Ishonch» газетасида эълон қилинаётган маърифат тарғиботчиларининг ўзлари ҳам газеталарга обуна бўлмагани кишида турли парадоксал саволлар уйғотмоқда.

Марказ қачон ростакам маърифат тарғиботчига айланади?

Ғулумжон МИРАҲМЕДОВ

Тошкент вилояти

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасига!

## «Маҳалла еттилиги» қаерга қараяпти?

Қўшни Тожикистонда диний ва бошқа маросимларни ўтказиш бўйича қатъий тартиб белгилаб олинди. Янги тартибдан жамият мингдан-минг рози, дейишмоқда қардошларимиз. Тўғриси айтиш керак, бу муаммо бизда ҳам кейинги пайтларда бир неча бор кўтарилди, аммо мантқиқий яқунига етказилмади.

Президент томонидан илгари сури-

лаётган камбағалликни қисқартириш ғояси ҳақида ўйлар экансан, беихтиёр ушбу омилни келтириб чиқараётган сабаблар хаёлингдан ўтади. Ҳар ҳолда, дабдабали тўйлар, турли мантқиқсиз маросим ва тадбирларнинг хавотирли манзараси ҳеч кимга сир эмас. Унинг камбағалликни келтириб чиқаришдан бўлак оқибатлари ҳам борлигини била-

миз, лекин негадир улардан кўз юма-

миз. «Маҳалла еттилиги» нега бундай муҳим муаммога лоқайдлик билан қарамоқда? Ёки жамиятни ўзимизга боғлиқ турли ташвишлардан халос қилиш уларнинг вазифини эмасми?

Мадина АБДУЛЛАЕВА

Тошкент вилояти

Энергетика вазирлигига!

## Жазога тортилганлар ҳақида ҳам билсак бўладими?

Табиий газ ва электр энергиясини тежаш борасида аҳолига ижтимоий норма белгилангани турли фикрларни келтириб чиқармоқда. Бу нормага аҳолининг муносабати ҳам турлича экани аён.

Статистик маълумотларга кўра, табиий газ ва электр истеъмолида умумий ҳисобда аҳолининг улуши катта фоизни ташкил этмайди. Шундай экан, унинг умумий тежамкорликдаги ўрни ҳақида батафсил маълумот нега берилмайди?

Иккинчи ўта муҳим масала: кунда-кунора табиий газдан ноқонуний фойдаланган газ қуйиш шохобчалари, корхона ва ташкилотлар ҳақида ахборотлар бериб борилади, ваҳоланки, уларнинг биронтаси жиддий жазога тортилгани ҳақида бирон гап айтилмайди. Нега?

Салим АСАДОВ

Юқоричирчиқ тумани

Бош прокуратурага!

## «Мушарраф» бўлган «ёлғончи»ни кўрайлик

Яқинда «Афросиёб» поездининг 7 декабрдан Хоразм вилояти маркази Урганч шаҳрига бориши ҳақида шошилинч ва қувончли хабар тарқалди. Аммо орадан кўп ўтмай, Ўзбекистон темир йўллари бу ёлғон экани ҳақида раддия берди.

Афсуски, бундай ҳолатлар сўнгги пайтларда оддий ҳолга айланиб бормоқда. Бу жиддий сигнал. Турли сайтлар, ижтимоий тармоқлар орқали нотўғри фикр уйғотишнинг оқибати яхшиликка олиб келмаслиги мумкин.

Кўпинча раддия берилганда ёлғон маълумот тарқатишга қонуний чора борлиги эслатиб ўтилади, бироқ ҳали бирон марта ўша қонуний жазога «мушарраф» бўлган «ёлғончи»ни кўрмадик.

Савол: нега шу масалага келганда қонуний ишламаяпти? Балки жазосиз қолаётгани туфайли бу каби хабарлар уричигандир?

Носиржон АЗИМОВ

Самарқанд вилояти

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига!

## Бўлажак кадрлар ўз ўрнини топа оладими?

Рақамли технологиялар ривожлангани сайин турли касбларга эҳтиёж ҳам йўқолиб бораверади. Хусусан, Рақамли технологиялар вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган бир қатор лойиҳалар яқин йилларда бизни кўлаб жиддий синовлар кутаётганини кўрсатмоқда.


Албатта, ўз навбатида, бу мамлакат иқтисодиётида кескин бурилишлар ясаиди. Лекин демографик динамикаси ўзига хос бўлган Ўзбекистон бу борада жиддий тайёргарликларга эга бўлиши зарур ва шарт.

Масалан, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ушбу масалада ҳали бирон-бир янгиликка қўл ургани йўқ. Ваҳоланки, олий таълим даргоҳларини битираётган минглаб ёшлар иш топишга ҳозирдан қийналишапти.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги мазкур масала юзасидан тадқиқотлар ўтказаяптими? Бу борада аллақачон бонг уришни бошлашимиз керак эмасми?

Машхурбек ОТАЖОНОВ

Хоразм вилояти





# Боқимандалик

ЭЪТИБОР ОДАМЛАРГА ЭМАС, ТИЗИМНИ ИСЛОҲ ЭТИШГА ЙЎНАЛТИРИЛИШИ КЕРАК



Саид Аҳмаднинг «Келинлар кўзгонони» комедиясида бош қахрамон Фармонбиби «Оқтош» оромгоҳида дам олаётган невараларини куриб келиш учун ўғли Асқарнинг хизмат машинасини сўрайди. Ўғли «Идоранинг машинаси, мумкинмас. Ёнида қизил чизиги бор. Гап бўлади...», дейди. Шунда Фармонбинининг бир четда кузатиб турган ўғли Комил беихтиёр орага суқилади: «Асқар тўғри айтаяпти. Узимизнинг машинамиз бор-ку!», дейди.

Фармонбиби эса «...Эсинг борми? Оқтошнинг ўнқир-чўнқир йўлларида машина расво бўлади», дея эътироз билдирган кўйи «Хукуматникининг жони қаттиқ», деб қўшиб қўяди. Бундан қарийб ярим аср илгари ёзилган комедиядаги ушбу парчани бежиз эсга олганимиз йўқ. Гарчи асарда ўша давр одамларининг фелъ-атвори, фикрлаш тарзи ўз аксини топган бўлса-да, ҳозир ҳам орамизда «Нима, давлатнинг пули камайиб қолармида» қабилида кун кўрувчилар учраб турибди.

Оддий бир мисол: кўшнимнинг бир эмас, нақ иккита алпкеабат фарзанди бор. Афсуски, икковининг ҳам тайинли иши йўқ. Қачон қарама, сигарета бурқситиб ўтири-

шади. «Ишлаб, онангга, рўзғорга ёрдам қилсанг бўлмайдими?», десанг «Ойлиги оз», «Иш жойи узок», «Тўғри келмади», дея тахмон-тахмон баҳонани қалаштиришади. Қисқаса, хоши-истак йўқ. Лекин маҳаллага, порталга чиқиб, жўжабардай хонадонга сиқилиб қолганини, оила «ёрдамга ўта мухтож» аҳволда эканлигини айтиб, кўмак сўрашда улarga етдигани йўқ.

Албатта, бу гаплар билан ўзим мансуб бўлган миллатни таҳқирламоқчи ёки маломат қилмоқчи эмасман. Бундан ўзи сақласин! Лекин, афсуски, бугун жамиятимиз, айниқса, ёшлар орасида боқимандалик кайфияти кучайиб, енгилнинг остидан, оғирнинг устидан ўтиш кун сайин паллак ёзиб кетаётгани ҳам бор гап.

Демак, давлат ижтимоий муносабатларга тўла жалб этилмаган шахсларни моддий рағбатлантиришни эмас, аксинча, моддий рағбатга илҳомтирувчи комплекс тизимни яратиши зарур. Яъни, ижтимоийлашув жараё-

нида узилиш юз берган аҳоли вакиллари ижтимоий муносабатларга тўлақонли жалб этиш керак. Савол туғилади: қандай қилиб?

Келинг, яхшиси, бунга Хитойнинг Сичуан вилоятидаги Атулээр қишлоғида олиб борилган ислохот мисолида кўриб чиқсак.

Денгиз сатҳидан қарийб 1,5 минг метр баландликда, жарлик ёқасида жойлашган мазкур қишлоқ яқин-яқингача ижтимоий жараёнлардан узилиб қолган, муаммони бартараф этишнинг бирдан-бир йўли қишлоққа олиб қувуви 800 метрли зинани янгилашдан иборат эди.

Қарангки, муаммога пухта ёндашув тўғрисида шундай бўлди ҳам: дастлаб ушбу зина металл конструкциялардан қайта ясалди. Сўнгра ҳудуд аҳолисини ижтимоий муносабатларга янада яқинлаштириш мақсадида тоғнинг пастки қисмида боғча ва мактаб, арзон ўй-жойлар қурилди.

Шунингдек, мамлакатнинг одам қадам босмас энг чекка ҳудуди замонавий ахборот технологиялари, хусусан, интернет билан таъминланди. Натижада атулээрликлар ҳаётга фаол муносабатда бўлиб, ўзларининг яшаш тарзи ҳақида ижтимоий тармоқларга қизиқарли маълумотлар жойлаштириб, даро-

мад қила бошлашди.

Ушбу мисолдан кўринадики, давлат ижтимоий муносабатларга жалб этилмаган фуқароларни моддий рағбатлантириб эмас, моддий рағбатга илҳомтирувчи тизим яратиб, уларнинг манфаатдорлигини таъминлади. Яъни, «хукумат ёрдам сўраб мурожаат қиладиган авомга балиқ эмас, қармоқ бериш шарт», деган ақидадан келиб чиқиб иш тутди.

Дарвоқе, ўрни келганида боқимандаликни келтириб чиқарувчи яна бир омил хусусида ҳам икки оғиз сўз айтсак...

Бу – у ёки бу соҳа, шунингдек, ижтимоий мавқеига қараб бериладиган имтиёзларга боғлиқ. Яъни айни шу омил ҳам жамиятда боқимандалик иллати куртак ёзишига туртки бўлаётти. Масалан, имтиёз асосида ўқишга кирган водийлик бир таълим синглизми олайлик. Унда ҳам ҳу-у-в оқоридаги азаматларга ўхшаб ишлашга, ўқишга иштиёқ йўқ. Чунки имтиёз билан ўқишга кирган. Энг қизиги, бирор жойга борганда ёки таълимнинг кейинги босқичини давом эттиришда ҳам ўзини «уринтириб қўймоқчи» эмас: ахир, имтиёзи бор-да!

Мана шундай ҳолатларда беихтиёр «Хар қалай, шунга ҳам еплаяпти-ку, ҳалол бўлсин», дейсиз. Лекин кўнгилда «Бундай тутум ва қарашлар билан оила қурган, фарзанд тарбиялаган инсондан эртага қандай авлод етишиб чиқади», деган хавотир пайдо бўлади.

Шайх Абдуллоҳ Шибравий ўзининг «Унво-нул баён» асарида одамларнинг энг афзали – айбини кўрадигани, дейди. Шу нуқтага назардан айтганда, бугун биз ўз нуқсонларимизни кўриб, уни бартараф этиш борасида тизимли ишларни олиб боришимиз зарур. Токи, бугунги жамият ва эртанги авлод худди Кафка яратган персонаж – Грегор Замза сингари синглизми қачон овқат олиб келишни қутиб ётадиган боқиманда ва манқур хашаротга айланмасин. Ўзи ва ўзлигини англасин, бу ҳаётда қандай яшашни билсин!

Мухаммадjon  
АХМАДЖОНОВ,  
журналист



Эълонлар

## «ГАРАНТ БАНК» АЖ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Хурматли акциядорлар!

«Гарант банк» АЖ Кузатов кенгашининг 2024 йил 11 декабрдаги Банк Устав капиталини 150 000 000 000 (бир юз эллик миллиард) сўмга ошириш йўли билан номинант кўламати 100 (бир юз) сўмлик 1 500 000 000 (бир миллиард беш юз миллион) дона оддий акцияларнинг чиқарилиши Ўзбекистон Республикаси Истикболли лойиҳалар Миллий агентлиги томонидан 2024 йил 13 декабрда Р0109-23-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилгани маълум қилинди.

Акциялар чиқарилиши қарорига асосан Банк акциялари акциядорларга имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқини тақдим этиш билан ёпиқ обуна орқали жойлаштирилади. Ушбу кўшимча чиқарилаётган акцияларни сотиб олишда банкнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган акциядорлар уларни ўзларига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда имтиёзли олиш ҳуқуқига эга бўладилар. Имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати билдиришчомуа эълон қилинган пайдан эътиборан 10 (ўн) кун давомида амал қилади. Банк акцияларини имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга шахсларнинг рўйхати 2024 йил 11 декабрь ҳолатига шакллантирилган банк акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

Акциялар 100 (бир юз) сўм нархда жойлаштирилади.

Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядор акцияларни олиши тўғрисида ўзининг исм-шарифи (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери), ўзи оладиган акциялар сони кўрсатилган ёзма шаклдаги аризани ва ҳақ тўлаганлик тўғрисидаги ҳужжатни банкка юбориш орқали ўз имтиёзли ҳуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга оширишга ҳақли. Бундай ариза мазкур имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати ичида банкка тақдим этилиши керак.

Акцияларнинг имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи амал қилиш даврида тўлов, юридик шахслар учун нақдсиз шаклда – пул ўтказиш йўли билан, жисмоний шахслар учун нақд – банк кассасига топшириш йўли билан ва нақдсиз шаклда – талаб қилгунча депозит ҳисоб рақамлари орқали, шу жумладан, пластик карточалар орқали ҳам амалга оширилади. Бунда акциялар учун пул маблағлари «Гарант банк» АЖ Амалиёт бошқармаси қўйидаги ҳисобрақамга қабул қилинади: х/р 29830000700000439004, МФО: 00439, СТИР: 201053901. Банк жойлашган манзил: Тошкент шаҳри, Сайид Барака кўчаси, 78-ўй.

Акциялар имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи орқали жойлаштирилётганда, чиқарилаётган акциялар уюлмаган қимматли қоғозлар бозорига тўғридан-тўғри фуқаролик – ҳуқуқий битим тузиш орқали қонунчиликда белгиланган тартибда жойлаштирилади.

«Гарант банк» АЖ акциядорлари олишга ҳақли бўлган акцияларнинг сонини аниқлаш тартиби қуйидаги формулага асосан аниқланади:

$A/3 \cdot 500 \cdot 000 = B$

1 500 000 000 \* B = C

Шунда: 3 500 000 000 – Банк устав капиталидаги умумий акциялар сони

1 500 000 000 – қўшимча чиқарилган акциялар умумий сони

A – акциядорнинг Банк устав капиталидаги акциялари сони

B – Банк устав капиталига мутаносиб равишда акциялар сони

C – имтиёзли ҳуқуқ қўлланилганда акциядор томонидан сотиб олинмаган акциялар сони

Қолдиқ ҳисоб бўлган ҳолларда, қолдиқ сон 5 (беш) дан ортиқ бўлса қўйидаги ҳисобрақамга қабул қилинади: х/р 29830000700000439004, МФО: 00439, СТИР: 201053901. Банк жойлашган манзил: Тошкент шаҳри, Сайид Барака кўчаси, 78-ўй.

Акциядорлар қўшимча маълумотлар олиш учун банкнинг Газначилик бошқармасига мурожаат қилишлари мумкин.

Маълумот учун телефонлар: +998 71 215-61-95

Банк Бошқаруви

## ЖАМОАТ ЭШИТУВИ ЎТКАЗИЛИШИ ҲАҚИДА ЭЪЛОН

«Европа тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида «Наманган вилояти Чуст, Поп ва Наманган туманлари ичимлик сув таъминотини яхшилаш ҳамда Чуст ва Мингбулоқ туманлари марказларида оқова сув тизимларини қуриш» ҳамда «Оқтош» ва «Пошхурт» ер ости сув манбаларида сув қувури қуриш йўли билан Сурхондарё вилояти Музработ туманининг сув таъминотини яхшилаш» лойиҳаларининг атроф-муҳитга экологик баҳоиси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 августдаги ПҚ-342-сонли қарорига асосан («Европа тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида «Наманган вилояти Чуст, Поп ва Наманган туманлари ичимлик сув таъминотини яхшилаш ҳамда Чуст ва Мингбулоқ туманлари марказларида оқова сув тизимларини қуриш» ҳамда «Оқтош» ва «Пошхурт» ер ости сув манбаларида сув қувури қуриш йўли билан Сурхондарё вилояти Музработ туманининг сув таъминотини яхшилаш» лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида») Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги «Пошхурт» ва «Шержон» сув олиш иншоотларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш, Музработ туманида аҳоли яшаш ҳудудлари сув тизимларини

ривожлантириш, Музработ, Денов, Кўмқўрғон, Жарқўрғон, Олтинсой, Шўрчи туманларини сув таъминлаш иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш ишларини амалга ошириш кўзда тутилган. Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида «SMART ECO» МЧЖ ва «Сурхондарё сув таъминоти» АЖ томонидан атроф-муҳитга таъсир тўғрисидаги ариза лойиҳаси ишлари олиб борилди.

Баҳолаш лойиҳанинг атроф-муҳитга қандай таъсир этишини аниқлайди, салбий таъсирларни юмшатиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқади, лойиҳа объектларини қуриш, эксплуатация қилиш билан боғлиқ оқибатларни қўриб чиқади. Лойиҳанинг атроф-муҳитга таъсирини баҳолашда муҳим омил бу бевосита у

амалга оширилган ҳудудда яшовчиларнинг фикр-мулоҳазаларини янгириш учун мўлжалланган жамоатчилик эшитувини ташкил этишдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шунга маълум қиламизки, жамоатчилик эшитувлари 2024 йил 18 декабрь кунга соат 10.00 дан 11.00 гача Сурхондарё вилояти Музработ тумани ҳокимлиги биносига, 18 декабрь соат 14.00 дан 15.00 гача Шеробод тумани ҳокимлиги биносига, 18 декабрь 17.00 дан 18.00 гача Жарқўрғон тумани ҳокимлигида, 19 декабрь 11.00 дан 12.00 гача Кўмқўрғон тумани ҳокимлиги биносига, 19 декабрь 14.00 дан 15.00 гача Шўрчи тумани ҳокимлиги биносига, 20 декабрь 11.00 дан 12.00 гача Денов тумани ҳокимлиги биносига, 20 декабрь 14.00 дан 15.00 гача Олтин-

сой тумани ҳокимлиги биносига бўлиб ўтади. Таъдбирда лойиҳа ҳақида баътафсил маълумот берилади ҳамда манфаатдор томонлардан шарҳ, изохлар қабул қилинади. Лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ барча фикр-мулоҳаза, шикоят, сўров ва тақлифларни қўйидагиларга йўллаш мумкин:

«Сурхондарё сув таъминоти» АЖнинг аҳоли ва манфаатдор шахсларнинг мурожаат (савол, тақлиф, шарҳ) ларини янгириш учун маъсул: Набиев Қудрат Мусурмонқулович. Лойиҳа доирасида мурожаатлар учун электрон манзил: surxondaryo@uzsuw.uz. Телефон: (+998 97) 225-58-88.

«Сурхондарё сув таъминоти» МЧЖ

Хизматлар лицензияланган.

## «ZAMONAVIY REALTOR XIZMATI» МЧЖ ФАРҒОНА ФИЛИАЛИ

босланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибига ўтказиладиган электрон-онлайн очиқ аукцион савдосига тақлиф этади!

Аукцион савдосига Кўкон туманларо иқтисодий судининг 2024 йил 26 августдаги 4-1502-2401/4618-сонли Хал қилув қарорига асосан «Qo'qon Elektr Montaj» МЧЖ банкрот деб эътироф этилган тугатиш бошқарувчисининг 2024 йил 10 декабрдаги 657-сонли бюртномасига асосан қуйидаги «Qo'qon Elektr Montaj» МЧЖ номидаги нотуражой мол-мулклари савдога қўйилмоқда:

Фарғона вилояти, Фуркат тумани, «Ингичка» МФЙ, Боғу бўстон кўчаси, 18-ўй ҳудудида жойлашган, «Qo'qon Elektr Montaj» МЧЖ жамиятига тегишли бўлган, умумий ер майдони 4310 кв.м., умумий фойдала ер майдони 1192,78 кв.м дан иборат бўлган нотуражой мол-мулклари.

Бошланғич баҳоси – 2 130 261 077 сўм.

Аукцион савдоси 2025 йил 15 январь куни online-mulk.uz платформасида бўлиб ўтади.

Аризаларни рўйхатдан ўтказиш муддати: 2024 йил 14 январь, соат 18:00 гача.

Савдо ёлибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 (ийгирма) банк иш ичида сотувчи билан олд-сотди шартномаси тузиш юклатилади.

Талабдорлар юқоридаги мулкнинг 15 фойзидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини «ZAMONAVIY REALTOR XIZMATI» МЧЖнинг ҳисобрақамига (банк: ХАТБ «DAVR BANK» Олмасор филиали, х/р: 20208000905740427002, МФО: 01121, СТИР: 311 041 441) электрон-онлайн аукцион савдосида рўйхатдан ўтиб туланади.

Савдо ташкилотчиси жойлашган манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13А -ўй. Телефон: (71) 237-23-82.

Хизматлар лицензияланган.

Тошкент шаҳри Учтепа туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Мирсаётова Наргиза Ҳабибуллаевна хабар берадики, 05.03.2023 йилда вафот этган фуқаро ВИНОВАРОВА МАРГАРИТА СЕРГЕЕВНА вафотидан сўнг меросхўрлик иши очилган.

Шу муносабат билан мавжуд бўлган меросхўрлар қўйидаги манзилдаги нотариусга мурожаат этишлари сўралади: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 11-квартал, 59-ўй, 63-хонадон.

Ортиқ Отажонов ижросида

«Умр ўтар...» қўшиғи

Омон Магжон шеъри

Азиз газетхон!

Мароқли дам олинг!



Умр – йўл, қайрилиш кўп,  
Учрашиш, айрилиш кўп,  
Унуттиш, айтилиш кўп,  
Лекин ҳеч қачон чиқмас ёдимдан  
Ўша қулшларинг, ўша келишларинг...



«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OIYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir Husan ERMATOV

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69 Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89 Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79 Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43 Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20 Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23 Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31 Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12 Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34 Namangan viloyati – (+998-99) 889-98-02 Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26 Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55 Surxondaryo viloyati – (+998-99) 379-19-70 Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44 Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24 Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01 Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.

Mualliflar fikr tahriyriyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir: S. Abdurahmonov

Mas'ulhihlar: D. Xudoyberganova, D. Ravshanova

Sahifalovchi: H. Abdullajilov

Bosishga topshirish vaqti – 23:20 Topshirish – 23:50

Bahosi kelishilgan narxda

Manzili: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalanda.

Nashr ko'rsatkichi: 133

Umumiy adadi 35 010 ta

Shundan: 7 128 nusxasi

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;

19 083 nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;

8 799 nusxasi «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taqob. Buyurtma G-1212